

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**77**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартирлишлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартағи ПФ-3860-сон «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар**:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 15 февралдаги 21, 16, 3-02, 01-02/8-44-сонли қарори (рўйхат рақами 2436, 2013 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартирлишлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2015 йил 20 майдан кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 февраль,  
89-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 февраль,  
4-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

**Э. ГАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 февраль,  
2015/19-3-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 февраль,  
01-02/8-01-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона  
қўмитасининг 2015 йил 2 февралдаги 89, 4,  
2015/19-3, 01-02/8-01-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт  
божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган  
технологик жиҳозлар рўйхатига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 18, 39 — 47-позициялардан «\*\*\*» «Ҳавола» ва унинг матни чиқариб ташлансин.

2. 68-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	68	8504 10, 8504 31 — 8504 50 (8504 31 800 — 8504 34 000 0, 8504 40 300 9, 8504 40 550 9, 8504 40 820 5, 8504 40 820 9 дан ташқари)	Электр, статик трансформаторлар... ».
---	----	--	--